

БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРАМИЗ САБЗАВОТ, КАРТОШКА, МЕВА МУЛ БУЛСИН

КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ ИЛЬИЧ НОМЛИ КОЛХОЗ АЪЗОЛАРИНИНГ
ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛАЙЛИК

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 239 (3721). — Пайшанба 7 декабрь 1967 йил. — Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

Тошкент область партия комитети бюроси Калинин районидаги Ильич номи колхоз аъзоларининг В. И. Лениннинг туғилганига 100 йил тўлиши кунини муносиб нишонлаш учун сабзавот, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини кўриб чиқди ва уларнинг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади.

Бюро район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг касаба союз, комсомол ташкилотларига Ильич номи колхоз аъзоларининг социалистик мажбуриятларига қирди.

рини барча колхозлар, совхозлар, бўлимларда, фермаларда муҳокама қилишни уюштириш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада ошириш ва пахта, ғалла, сабзавот, картошка шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқишни, шу асосда ишлаб чиқариш планларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кучайтириб В. И. Лениннинг туғилганига 100 йил тўладиган кунини янги меҳнат ғалабалари билан кутиб олишга чарқиди.

Калинин районидаги Ильич номи колхоз аъзоларининг беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш ва В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан ўз зиммаларига олган

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Коммунистик партия раҳбарлигида порлоқ истиқбол — коммунизм сари қомил йишқин бўлиб қадим ташлаётган совет халқи жаҳон узра озолик, тенглик ва бахт-саодат манзилини етказиб Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ярим асрлик юбилейини тантанали нишонлади.

Қардош совет халқларининг ягона оиласида КИСС XXIII съезди ишлаб чиққан улуғвор режаларни амалга ошириш учун курашаётган колхозчи меҳнаткашлари — сабзавот, картошка, соҳибдорлар ва чорваларлар Совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилейига арзирли меҳнат совғалари тайёрлади. Хўжалигимиз сўнгги йиллар мобайлидаги қўлқонли дегини ювиб, равои йўлга чиқиб олди. Колхоз ишлаб чиқаришнинг самардорлиги мутасил охири бормоқда, колхозчиларнинг меҳнат натижаларидан моддий манфаддорликлар ўсмоқда.

Биз Қорам об-ласть меҳнаткашларининг беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муҳокама қилиб чиқдик ва бу ташаббусга яқинлик билан қўшилдик.

1970 йилга бориб етиштирилмаган ва ишлаб чиқариладиган янги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдорини планда белгиланган 13 минг тонна ўрнига 15 минг тоннага етказамиз. Жумладан, беш йилликнинг охирига йилда 5 минг тонна сабзавот етиштирамиз ва давлатга 4 минг тонна маҳсулот етказиб берамиз. Беш йилликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш планларини 1970 йил 1 октябрда бажарамиз. Сабзавот экинлари ҳосилдорлигини 22 тоннага етказамиз. Картошка ҳосилдорлигини 14 тоннага етказиб, жами 2660

тонна ҳосил етиштирамиз. 30 гектар майдонда шол ичиб, ҳар гектардан 40 центнердан ҳосил олишни таъминлаймиз.

Бу марраларни эгаллаш учун хўжалигимизда бир қатор тадбирларни амалга оширамиз. Чунотчи, уруғ етиштиришни кенг йўлга қўямиз. Шу йиллар давомида барча экинларнинг уруғи хўжалигимизнинг ўзига етиштирилишига эришамиз. Экин майдонларини йиритиш ва текислаш, ер ўрталаридаги даракларни олиб ташлаш, ер ўрталаридаги ўрмонни йўқотиш, тўқайлик ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш юзасидан бошлаган ишларимиз кенг равишда давом эттирамиз.

Экинларни агротехника муддатларида экиб олиш ва парваришларини йўлга қўямиз. Картошканинг 50 процентини, пияз, сабзи ва поллиз экинларини тўлиқ сеялаларда экишга эришамиз. Картошка, сабзавот ва поллиз экинларининг қатор ўрталари ишлов бериш ва озвондотуришни 100 процент техника ердами бажаришни таъминлаймиз.

Богдорчилик ишлари маданиятини кўтарамиз. Тарқоқ тоғзорларни етиштирилмаган ҳосил миқдорини камайтириб юбормасдан қаралаштирамиз, 1970 йилгача барча тоғзорларни темир-бетон ишқонларга кўтарамиз ва илгари тўлиқ механизациялаштириб, ҳосилдорлигини мутасил равишда ўсиб боришига эришамиз.

Меҳнатни ташкил этишнинг тахтаси усули ўзининг афзаллигини кўрсатди. Биз бундан фойдаланиб ҳам бу илгори усулни кенг жорий эта верамиз.

Деҳқончилик ва богдорчиликда маҳаллий, минерал ўғитлардан фойдаланишни яхшилашамиз. Ҳар гектар экин майдонига ўртача 15 тоннадан маҳаллий ўғит тайёрлаб, ерларга ўғит солишни механизмлар ёрдамида амалга оширамиз.

Белгиланган тадбирларимизнинг амалга оширилиши ҳар центнер маҳсулот етиштириш учун меҳнат ва моддий-пул маблағлари сарфлашни кескин камайтириш йўлини очди. Чунотчи, 1966 йили бир центнер картошка етиштириш учун 11,7 сўм маблағ сарфланган эди. Юбилей йилида бундай харажатлар 5 сўмга туширилди. 1970 йилга бориб бир центнер картошка етиштиришга 3,5 сўм сарфлаймиз. Сабзавотчиликда ҳам харажатлар камайтириб, 1966 йили бир центнер сабзавот етиштириш учун 2,52 сўм сарфланган эди. Бу йилги харажат 1,3 сўмга тушиб кетди. Беш йилликнинг охирига бориб бир центнер сабзавот етиштириш учун фақат бир сўм сарфлашга эришамиз.

1970 йилгача қорамоллар сонини 500 га, шундан соғин ситқарини 200 га, отларнинг сонини 100 га етказамиз. Ҳар 100 бош ситқардан 90 тедан соғим бўзқ олди ва сақлаб қолшни таъминлаймиз.

Чорвачилик маҳсулдорлигини ошира бориб, 1968 йили 450 тонна сўт, 30 тонна гўшт, 1970 йили эса 465 тонна сўт, 40 тонна гўшт етиштиришга эришамиз. Тухум олишни 1967 йилги 80 миңдан 1970 йилга бориб 130 миң донга етказамиз. Биз пичан, силос хашани давлати тайёрлашни мутасил кўпайтира бориб, уларнинг сифатини яхшилашамиз. 150 гектар беданинг ҳар гектардан 1968 йили 10, 1969 йили 11, 1970 йили 12 тоннадан сифатли пичан ўриб оламиз. Бедазорларни намунали парвариш қилиб, ўрмин қисқа муддатларда уюшқонлик билан ўтказамиз, ундан беш марта ҳосил олишга эришамиз. Беда пичанини янги усул билан гарамлаштириб жорий этишамиз. Макнажўрхордан силосбон қўқоя олишни 700 центнерга, хашани давлати ҳосилдорлигини 600 центнерга,

жўхори дони ҳосилдорлигини эса 55 центнерга етказамиз.

Гўшт, сўт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари таннархини камайтириш учун курашамиз. Бир центнер сўт етиштириш учун харажат қилинадиган моддий-пул маблағларини 1966 йилги 10,8 сўм ўрнига 1970 йилга бориб 8—8,5 сўмга туширамиз. Бир центнер гўшт учун сарфланадиган харажатларни 171 сўмдан 120—125 сўмга камайтирамиз.

Чорва фермаларида озуқа тайёрлаш цехини ишга туширамиз. Сигирхоналарга автопоилла ўрнатамиз, 100 бош ситқарни механизмлар ёрдами билан соғишга ўтказамиз. Молхоналарни тозалашни тўлиқ механизациялаштирамиз. Фермалардаги ички йўллари асфальтлаймиз.

Чорвачилик маҳсулдорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири қорамоллар наслини яхшилашдан иборатдир. Шунинг эътиборига олиб, моллар зотини мутасил яхшилашамиз. Сунъий қочирини тўлиқ амалга оширамиз.

Шу йиллар давомида колхоз пул даромадларини кўпайтиришнинг барча имкониятларини ишга солиб, янги даромаднинг 1966 йилги 580 миң сўм ўрнига 1970 йили 1 миллион сўмга етказамиз. Колхозчиларнинг меҳнат қуларига 1965 йилги 217 миң сўм ўрнига 1970 йили 420 миң сўм пул тўлаймиз.

Техникадан фойдаланиш даражаси яхшилангандир. Биз трактор парк ва автогараж янги йилга 1968 йили устакхона курашамиз. Бунинг натижасида ҳар йили камида 15 миң сўм тежаб қознамиз. 1969 йили 1000 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган оғирборни кўриб битаёламиз.

Беш йилликнинг охирига бориб колхозчи-нинг қишлоқнинг маданияти яна ҳам юксалишига қўшмоқчи бўламиз.

лиққа кўтарилади. 1968 йилда 4 та бригадала маданий ҳордиқ чиқарадиган типовой дала шийони кўриб фойдаланишга топширамиз. Бундан ташқари ҳаммом ва ёғи кино-театр ҳам ишга туширилади. Шу йиллар мобайлида барча колхоз аъзоларининг янги йилларга қўлиб чиқишларини таъминлаймиз. Механизаторларга ҳар йили иш кийими бериб борилади. 1970 йилга бориб ишлаб чиқариш планларини турлар бўйича бажарган бригадаларга бутун йил давомида берилган озиқ-овқатни бепул қиламиз.

Ишлаб чиқариш вазифаларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш мақсадида кадрларнинг малакасини мутасил ошира борамиз. Бригадирлар, звено бошлиқлари, еш колхозчиларни механизация, чорвачилик, химизация курсларига ўқитишга юборамиз. Колхоз аъзоларининг қишлоқ хўжалиги институт ва техникумларида, кечки мактабларда муваффақиятли ўқилари учун қўлай шароит яратиб берамиз. Беш йилликнинг охирига бориб барча еш колхозчиларнинг тўлиқ ўрта таълим олишларига эришамиз.

Биз ўз зиммаларига юқоридagi юксак мажбуриятларни олар эканамиз, барча колхозчиларни, совхозларнинг ишчиларини, мутахассисларни, барча меҳнаткашларини беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун, Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришга чарқарамиз.

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ КОЛХОЗ АКТИВЛАРИНИНГ КЕНГАШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.



ФИНЛЯДИЯ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВ

ХЕЛЬСИНКИ. 5 декабрь. (ТАСС махсус мухбири). Бүгүн эрталаб СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Финляндия ҳукуматининг қабул маросимларини ўйига келди.

Бу ерда Финляндия Республикасининг президенти Урхо Калев

Кекконени миллий байрам — Финляндия мустақиллигининг 50 йиллиги билан қутлашга бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

Н. В. Подгорний қисқа нутқ сўзлаб, дўст мамлакат бошлиқига табрикнома топширди. Юрий Чер

новнинг «балиқчи» деган хайкали Финляндия президентида тортиқ қилинди. Тантанали маросимда Н. В. Подгорнийнинг ҳамроҳлари, Финляндия Бош вазирини Р. Паасио, Финляндия ҳукуматининг аъзолари ҳозир бўлишди.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА КУЗГИ ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 6 ДЕКАБРГАЧА БУЛГАН МАЪЛУМОТ

Районлар	планга нисбатан процент ҳисобида
ОРЖОНИКИДЗЕ	101,5
КАЛИНИН	101,2
ОҚЎРҒОН	100,9
Янгийўл	91,5
Юқори Чирчиқ	87,8
Урта Чирчиқ	82,0
Бўна	64,0
Бекобод	56,1
Область бўйича:	83,0

„ВОЛГА“ЛИ ЙИГИТ

„Бу воқеа ўтган йили куз фаслида бўлган эди. Гап механизаторлар тўғрисида борарди. Колхоз раиси Юра Кузиковнинг номини тилга олди. Биз ана шу дондор механизатор билан кўришиб, суҳбатлашмоқчи бўлдик. Йўлда кетаятиб унинг яқинида „Волга“ енгил автомашинаси билан мукофотланганлигини эшитдик.

Колхоз идорасидан чапга бурилиб юқорига кўтарилган асфальт йўлдан бормоқдамиз. Баландликка чиққанмизда Сирдарё бўйларига чақилиб кетган пахтазор вади ястаниб етганлигини кўрдик. Юранинг уйи ана шу тепалиқда, пахтазорлар ҳаминша аққол кўринон турарди. Баландликдаги даракларга бўйсаниб „сой-салқин“ жойда эди. У бутун ўз хонадонда меҳмон кутмоқда. Келувчилар Юранинг ҳаммаси билан — механизаторлар, звено бошлиқлари, қўни-қўншалар эди: Кечга томон Юра уйлари меҳмонлар билан лиқ тўлди. Унинг ўзи, хотини югуриб-еб хизмат қилишар, меҳмон дўстлик кўрсатишарди.

Механизаторнинг уйда меҳмондорчилик бўлишининг боиси уй соҳибининг меҳнат муқофоти олганлиги вақидан эди. Кечанига келтирилган „Волга“ машинаси ҳовлида турар, келувчилар унинг эгасини муқофот билан табриқларди.

Мана, бу йил яна Юра Кузиков ва унинг меҳнат натижалари ҳақида гап борарди. Бўлтур у район механизаторлари ичда биринчилиқни эгаллаган бўлса, бу — йил ҳам масъумда 150 тонна пахта териб биринчилар қаторидан ўрин олди.

Бундан уч йил бурун колхозда терим ишларини машиналаштириш ҳақида гап борганда Юра Кузиков сўзга чиққан ва механик ҳайдовчи бўлиб ишлаш истагини билдириб бошқаларни ҳам шунга чақирган эди. Колхоз механизаторлари ўз ҳаммаси билан қишлоқнинг қишлоқли йигит-терим ишларини тўла машиналаштирилди ва колхозни пешқадамлар даражасига етказиб олишга муносиб ҳисса қўшди. Бу ташаббусни бошлаб берган Кузиковни шунинг учун ҳам қишлоқдаги катта-кичик ҳурмат қилди.

Бекобод районидagi „Победа“ колхозининг меҳнатсевар механизатори Юра Кузиковни ҳамқишлоқлари ҳаммаваф „Волга“ли йигит деб чақиринишди.

Меҳнат тўғрисида эришган бу ном унга жуда ярашди. Сурагда: Юра Кузиков.

А. Тўраев фотоси.

32000 ТОННА КАРТОШКА, 19000 ТОННА ГЎШТ

Тошкент областидаги ихти-сослашган хўжаликлар давлатга картошка сотиш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар. 32,6 миң тонна картошка топшириди. Бу эса ўтган йилдагидан қариб 19 миң тонна кўдир.

Чорвалорлар ҳам йиллик топшириқни муваффақиятли бажардилар. Похта об-ластининг колхоз ва совхозлари давлатга 19,4 миң тоннадан кўпроқ гўшт сотдилар.

ИЛГОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Область партия комитети ва област иқроия комитети районларда шудгорлашда ноябрь ойининг олтинчи беш кунлиги ақудларини кўриб чиқиб, область партия комитети ва област иқроия комитетининг қўлча Қизил байроқини Янгийўл районига (район партия комитетининг секретари Алимов, район иқроия комитетининг раиси Усмонов, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқаруви бошлиғи Алимов, район комсомол комитетининг секретари Хайдуков, «Узсельхозтехника» район бир-

лашмасининг бошқарувчиси Капи-болоцкий ўртоқлар) бериш ҳақида қарор қабул қилди. Район беш кунлиқда шудгорлашда 21,8 процент ўсишга эришиб, шудгорлаш йиллик планини 67,3 процент бажарган.

Байроқ Оржоникидзе райони-дан олиб берилди. Область партия комитети ва област иқроия комитети Район қизил байроқни қўлчилари бошлиғи Алимов, район комсомол комитетининг секретари Хайдуков, «Узсельхозтехника» район бир-

50 ЙИЛЛИК ҲАМКОРЛИК

ИВАНОВО. 4 декабрь. (ТАСС мухбири). Сердешар Ўзбекистоннинг меҳнаткаш ишлари пландан ташқари етиштирилган 1300 тоннага янги пахта Ивановога келтирилди.

Республика комсомол вакиллари шарафига катта митинг ўтказилди.

Иваново тўқимачилари билан Ўзбекистон пахтакорлари ўртасида эллик йилдан буюн

муштаҳам дўстлик қарор топди. М. В. Фрунзе бу дўстликка асос қўйган эди. Граждан уру-ини йилларда атоқли саркарданинг раҳбарлигида Иваново — Вознесенск тўқимачилари оқ твардиячилар ҳалқисини ёриб ўтиб, қардош Ўзбекистонга борган эдилар.

Ўзбекистонда пландан ташқари тайёрланган пахта қайта ишлана бошланди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ НЕПАЛГА ЖУНАБ КЕТДИ

Миллий панҷайтнинг таклифига биноан СССР Олий Совети делегацияси жавоб визити билан 5 декабрда Москвадан Катмандуга учиб кетди. Делегацияга СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Бошқирдистон об-ласть комитетининг биринчи сек-

ретари З. Н. Нуриев бошчилик қилади. Делегация состави СССР Олий Советининг депутатлари — Самарқанд об-ласть Дашлақободо участка касалхонасининг бош врачини М. А. Абдуллаева, Белоруссия Компартияси Витебск об-ласть комитетининг биринчи секретари

А. Н. Аксенов Пермь политехника институтининг ректори М. Н. Дедюкин, Абхазия АССР Очамчир районидagi Махарадзе номи колхоз раиси У. В. Кучуберия ва РСФСР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари К. Г. Писин ўртоқлардан иборат. (ТАСС).

АРИҚНИ МАШИНА ТОЗАЛАДИ

Асримиз бошидаёқ ирригаторлар катта каналларни тозалашда экскаваторлардан фойдаланишар эди. Лекин иккунерлар майда суориш тармоқларини механизмлар ёрдамида тозалаш сингари мураккаб вази-фани фақат ҳозирги кунда ҳал этишга муваффақ бўлди-лар. Ўрта Осиё ирригация ил-

мий-тадқиқот институтининг ходими Л. П. Зайцев ана шундай оригинал машинани яратди. Бу машина суғориладиган участкаларда чақон ҳаракат қилиб, ариқ четларини катта аниқлик билан текислаб беради.

Бутун механизм одимдовчи тракторга ўрнатилади. У ариқ ёқасига келиб, ўз ишчи органи-ни ариқ ичига «ташлайди» —

металлдан ишланган механизмлар ишга тушади. Улар тармоқ тўбдаги лойқани тозалайди, ротор бу лойқани олиб ташлайди. Натижада иш сифати жуда юқори бўлади. Ўтказилган тажриблар машинанинг юксак умумдорлигини дарак беради. Машина соатига 80 кубометр тупроқни олиб ташлайди. (ЎзТАГ).



№ 18

ДОВЮРАКЛАР МАДХИ

Совет артиллерияси 1942 йилнинг 19 ноябда Сталинград учун олиб борилган жангларда мисли кўрилмаган жасорат кўрсатди. Худди уша улуг жангларга Эзбекистондан етиб бораган иккита алоҳида ўқчи бригада Бош қўмондоннинг резервидан 1942 йил ноябрда Жанубий-Гарб фронт саставига қўшилган эди.

Бу иккита бригада Эзбекистонда ташкил этилган. Бу бригадаларда Эзбекистоннинг атоқли партия ва совет ҳарбийлари сийси раҳбар вазифаларида хизмат қилдилар. Сирожиддин Нуритдинов Налоҳида ўқчи бригадининг комиссари. Раҳмон Қўрбонов эса Налоҳида ўқчи бригадининг комиссари бўлиб тайинланган. Н-бригада иш сийси бўлим бошлиғи қилиб Абдулла Муродхўжаев (собиқ Эзбекистон иқроия комитетининг секретари), батальон, дивизия командири ва комиссарлари қилиб майор И. Магаматов, А. Нишонов, М. Хошимов, Е. Ладобов ва бошқа ўрқчилар тайинланган эдилар. Меи 1942 йил февралда фронтда ярадор бўлиб ва госпиталда даволаниб Н-ўқчи бригадасининг алоҳида атоматчилар ротасига командирлиги қилиб ошди. Бригадачининг артиллерия қўмондони майор Ф. Норхўжаев эди. Унинг юриш-туриши, ғайратига, иш тўтишига ҳарас билан разм солардим.

Бригадамизда алоҳида артилле-

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ШУНДАЙ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДАЛАР

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти ташкил топган куннинг 50 йиллик байрами яқинлашмоқда. Бу шонли санани совет жангчилари жанговар ва сийсий тайёргарликда катта ютуқлар билан нишонлашга ҳозирланмоқдалар. Қисм ва бўлиналарда байрамолди социалистик мусобақаси кенг авж олиб кетди. Жангчилар Ҳарбий тайёргарлик аъло-чиси деган номни олиш учун астойдил курашмоқдалар. Қуйида Совет Армияси сафларида хизмат қилаётган ҳамшаҳарларимизнинг шу кундаги ҳаётига оид материаллар ўқисиз.

ЖАНГОВАР КУНЛАР ХИКОЯСИ

Пўлдош Охунжонов, академик Алексей Толстой ва ўрта Осиё Ҳарбий округ қўмондони тез-тез кузатиб туришарди. Бригадамиз ўзининг фронтдаги жанговар фаолиятини 1942 йил 19 ноябрда Волга дарёси бўйларидан жанглар авж олган кун, Серафимовиц плацдармдан (Дон бўйлаб) немис фашистларининг мудофасини ёриб ўтишдан бошлади.

Шундай қилиб, Эзбек халқининг довлар фарзандларидан ташкил топган ўқчи бригадаларининг жангга кирганига яқинда 25 йил бўлди.

Артиллериячи ва минометчи-

олинган фашистларни тор-мор қилишда ўзларининг жанговар вазифаларини адо этишди. Бригадамиз Ильянка, Селивановская, Морозовская, Каменка, Глубокий, Гундоровка, Ворошиловград шаҳар ва станцияларини жанг билан овоз қилди.

Биз устозимиз Норхўжаев билан 1943 йил апрелда Украинада бошқа хизматларга тайинланганлигидан кейин самийий хайрлашиб, талаба билан дийдор кўришга тиллашмоқ бўлиб қолдик.

Файзулла ана 1943 йили подполковник унвонига сазовор бўлиб, артиллериячилик қисмига командир бўлди. Командир Норхўжаев билим-қўли билан Украинадаги фронтдаги қадимки фашист босқинчилардан овоз қилиб, Габоба томон йиларилаб борди. У, жанг давомида, бир неча марта оғир ярадор бўлди. Артиллерия полки 1945 йил 28 апрель атолаб Берлин қўчаларида шиддатли жанглар олиб борди. Норхўжаевнинг ўрқар артиллериячилари Рейхстагга талаба байроғини тиклашда қатнашдилар. Совет артиллериясининг ўти фашистлар Германияси устидан талабани таъминлади.

Уша бригада жангчиларидан, артиллериячи ва минометчилардан бир қисми хозир ҳам республикамиз шаҳар ва қишлоқларида мардонавор меҳнат қилмоқдалар, тинч меҳнат қўчоғида ҳам жасорат кўрсатмоқдалар.

С. ОХУНЖОНОВ,
Сталинград жанг қатнашчиси.

МУРАККАВ ШАРОИТДА

ЎЗАТИШ вишкиси устида қилди байроқ кўринди. «Нишонгал!» сигнали эштилди.

Ҳарбий хизматнинг биринчи йили ўтаётган комсомол аъзоси Рузбой Юнусов ўт очиб маррасига яқинлашди. Унинг қаттиқ ҳаяжонланганлиги сезилиб турибди. Жангчи яқиндагина қуролнинг қисмлари, ўқ отиш йўллари бўйича заҳёт топширди, нишонгача бўлган оқилнинг тўри мўлжаллай олади, граната иргитишда яхши натижа кўрсатди. Бугун уни яна бир снов кутарди.

— Уқла! — деган команда эштилди.

Биринчи нишон кўринди. Юнусов шошилмасдан уни мўлжалга олди. Тепкинни босди. Ўқ овозидан қулоқ қоматга келди. Нишон шикастланган эди.

Чанда иккита кичик нишон кўринди. Рузбой яна аниқ мўлжалга олиб ўқ узди. Машиқ «аъло» баҳога бажарилиди.

Сўнгра бирин-кетин бошқа солдатлар ўқ отиш маррасига киришди. Оқиди солдатлар А. Абдустанов, Д. Кодировлар ҳам нишонин биринчи мўлжалдаёқ урдилар.

Қийин ва мураккаб шароитда гардиячи жангчилар ўқ отиш машқини муваффақиятли бажаришди.

А. АХМЕДОВ,
младший сержант.



Суратда: комсомол аъзоси гвардия сержанти ўрқ К. Вазиорови кўриб турибди. У командирлик қилаётган взвод «Аълочи взвод» номини олишга муваффақ бўлган. А. Асанов фотоси.

ОНА ҚАЛБИ

«Ассалом алайкум бувижон! Соғ-саломат юрбисизми? Қўни-қўшниллар, овулимиз тинчми? Бу-вжон хатингизни олдим. Раҳмат сизга. Мен эсон-омон Ҳарбий хизматимни адо этиб юрибман. Эиндор ташвишланманг, яқин орада дийдор кўришиб қопар-миз...»

Шакар она набираси Эркиндан келган хатинг шу ерини эшита-ётиб, ҳаяжондан энтикиб кетди.

— Имага депти, дийдор кўриш-иб қопаримиз дебдимиз!—Хатга тикилиб ўтирган келини Гўлсарага юзланди она.—Қўп қатори эсон-омон бағримга кел, қўзим.

Шакар она шундай деди-ю, ичда ўзини қойиб кетди.

— Имага қилиб қўйдим, Шакар! Ҳаёл билан ташвишли хат эзиб, жигарларининг динига гул-гула солиб қўймадингми? У хозир имага йиларга бораётганини! Э, қарлик кўрсин.

У қўларини сиражини пешана-сига қўлиб, ўтган кунги тушини эслаб кетди...

«Айни баҳор эмиш. Ҳовли тепасидан «қур, қурлашиб турналар учиб борарди. Уй қаршидаги олма, уриқлар эса оппоқ гулга бурканган. Майини шабода уларни эркалаб аллаламоқда. Шакар баҳор ҳусига суқилиб урушда дом-дараксиз кетган икки ўғлини эслаб кўзларига ёш олиб турган эди, шу чоқ уни қимдир қақриб қолди:

— Кўча эшигига қараса почта-он турибди.

— Хола, суянчи беринг, суянчи,—дерди у ҳовлиқиб.

— Суянчи сендан айланин, айт болам, имага тушбаёринг бор!—Шакар хола унга пешвоз чиқди.

Почта-он иккита қўлини ба-ланд кўтариб, қўзончин хабар, ўғилларингиз келишди, деди. 27 кил шу оташ хабарини кутиб кўз нури тўкилган Шакар она бу қувоч оғушида қушидан кетди.

Кимдир елипти. Қўзини оқса, бошида Норбек билди. Қўрбонжонни қимлашиб туришдики...

— Салом оинжон,— дейишди ўғиллари бараварига.

Она уларни тўйиб-тўйиб бағрига босди. 27 йилдан бери бир энлик хат келмаган жигарлараларни ўзга-ришмапти-я. Фақат қаттаси оқ-қоқлиб юркан.

Майли, онанг қоқидиқлар, тирки экансизлар, шунинг ўзи менга катта бахт,—қўлатарди она ўғилларини.

Бир зумда ховлида тўй бош-ланиб кетди. Шакар онанинг умр йўлдоши Ҳайдар ота тўйбошида. Норбекнинг хотини Усарой элиб.

У югуриб хизмат қилиб юрбди. Қарнай-сурнайлар садоси аянига чиққан. Шу чоқ Шакар она уйго-ниб кетди.

Бу ҳаяжонли туш бувининг фикр-ўйларини ўғрилади-қўйди. Инглаб ташқарига чиқди. Ҳовлида оёсийталик. Қалбидан яра яна янгилади. Она изтиробдан ўзини тўхтатолмасди. Қўзларинда ёш, ҳозиргина тушда кўрган икки ўғилни эсларди. Айрилиқ, жигарон аламни юрагини тиртарди.

У ариқда шалдираб оқаётган муздек сувга юз-қўларини ювар-кан, ўзига-ўзи далда берган бўл-ди. Ҳарбий хизматдаги набираси-га уша кунёқ эт ёздики...

Биз яқинда қалб ҳароратини, кўз гавҳарини она-Ватанга арму-гон қилган ана шу мушқилар Ша-кар она ҳузурда бўлди. Она

ДОЗОРДА

МЛАДШИЙ сержант Олим Маллабоев бўлимаси до-зорда ҳамжихатлик ва жасорат билан ҳаранат қилди. Махсус кўйим-бошлар кийиб олган сол-датлар жойини душман пайқа-майдиған қилиб ниҳобладилар. Тунда уларни мутлақо пайқаб бўлмасди.

Бўлима командири олдинда қандай йўллар ва уйлар борли-гини аниқлаб келиш учун дозор юборди. Унга оддий солдат Р. Нишонов бошчилиқ қилди. До-зорчилар разведка билан маш-ғул бўлганларида бўлима уларнинг ҳаракатини қўлаб турди.

Командир дозорчилар бошли-гининг сигналини оранқиб кутди. Минутлар жуда секинлик билан ўтарди. Мана, фонарнинг қизил чирғоғи билан сигнал бе-рилди. Бу йўл очик дегани эди. Бўлима олдинга қараб ҳа-ранат қилди. Дозорчиларнинг аниқ ҳаракати ва жасорати ту-файли бу галги топширқи ҳам аъло даражада бажарилиди.

К. ЕТАЕВ,
оддий солдат.

АБАДИЙ БАРҲАЁТ

ОБЛАСТЬ комсомол ташкилотлари ёшларни революцион, жанговар ва меҳнат шон-шухрати традициялари руҳида тарбиялашга жиддий эътибор берипти.

Кишиларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини уйғотишда монументал пропаганда самарали таъсир кўрсатмоқда. 1918 йили В. И. Ленин «Республика ёдгорликлари ҳақида»ги декретга имзо чеккан эди. Бу декретда Россия Социалистик республикасининг улуг кўнларини эслатиб турадиган ёдгорликлар яратиш учун катта конкурс ўтказиш ва бу ишга расом ва ҳайкалтарошларни кенг сафарбар этиш фикри олдинга сурилган эди.

Областимизда Туркистонда социалистик қурилиш даврини акс эттир-ган кўплаб монументал асарлар яратилган. Бу иш айниса Бутуниттифок комсомол ва ёшларининг революцион, жанговар ва меҳнат шон-шухрати йўллари бўйлаб ўтказган юришларидан кейин янада монланиб кетди.

Юбилей йилида областимиз Янгит ва қизлари оталар шухрати йўлла-ри бўйлаб 3 мингдан ортиқ поход уюштиришди. Улар граждн урушлари ва босмачиларга қарши жанглар изидан боришди, Эзбекистон ва қардош республикалар халқларининг меҳнат шухрати йўлларидадан юришди. По-ход давомида ёшлар авваллари номаълум бўлган наҳрамонлар номини топишди, шаҳар ва посёлкаларда, ноҳол ва совхозларда 70 дан ортиқ ёд-горлик, обелис ва мемориал таштакчалар ўрнатилди, 400 га яқин музей, революцион, жанговар ва меҳнат шон-шухрати уйлари очилди.

Бу соҳада Охангарон ёшлари жуда яхши ишлар қилишмапти. Шаҳар-да Улуғ Ватан урушида халок бўлганлар хотирасига обелис, Охангарон кўмир разрезининг дастлабин асосчиларидан бири С. Г. Чириков хотираси-ни абадийлаштириб ёдгорлик ўрнатилди. Шаҳар мантабларининг энг ях-ши пионер ва комсомоллари обелис олдига фахрий қоровулликда тури-шди.

Янгийўл районидида урушда ҳалок бўлган САИМЭ илмий-тенгириш институтининг собиқ ишчи ва хизматчиларига ёдгорлик счилган. Ҳамро-қул Турсунқулов номи колхозда эса уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳ-рамони Ҳ. Турсунқулов босиб ўтган шонли йўлни ҳилол қилувчи аюбий музей ташкил этилган.

Оқиғурган марказидаги тепалинда Ойтабрининг 50 йиллиги байра-ми арафасида Улуғ Ватан урушида халок бўлган оқиғургонлики жангчилар хотирасига қўйилган ёдгорлик узоқдан кўриниб турибди. Урта Чирчиқ районидида «Поларная звезда» колхозда ҳам фашистларга қарши жанг-ларда жонини фидо қилган мардлар хотирасига обелис ўрнатилган. Бентемирада эса революцион жанговар ва меҳнат шон-шухрати музейи ишлаб турибди.

Бука районидида Писент посёлкисида. Бекнобд районидидаги 1-«Дал-варзин» совхозда, шунингдек областининг бошқа шаҳар ва қишлоқларида бир неча обелис ва ёдгорликлар ўрнатилган. Чирчиқда Эзбекистонда би-ринчи комсомоллардан бўлган мард ва жасур Абдулла Набиев хотираси-ни абадийлаштириш мақсадида ёдгорлик ўрнатилган тайёргарлик қилин-моқда.

Обелис ва ёдгорликлар олдига тез-тез пионерлар саф тортиб танта-нали азизларда Ватанга садоқатли бўлиш учун қасамд қилиб турадилар. Областимиз ёшлари бугунги бахтиёр кўнмиз учун жонини фидо қилган кишилар хотирасини фохр билан ёдга олмақдалар.


Ҳар қайси шаҳар ва район комсомол комитетлари ёдгорликларни му-ҳофиза қилиш бўйича бошлангич ташкилотлар тузишди. Комсомол ва пионерлар обелис ва ёдгорликларни назорат қилиб турадилар. Яна янги ёдгорликлар ўрнатиш учун маблаг тўпламоқдалар.

Областнинг кўпгина мантабларида ҳам граждн ва Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари хотирасига ёдгорликлар қўйилган. Охангарондаги 15 ва 16-спорт мантаблари ўқувчилари металлом иғиб, ундан келган маблаг қи-сбига Н. Ф. Гастелло, Павел Морозовлар хотирасига, Оржоникиде рай-онидидаги 67-мантаб ўқувчилари эса С. Оржоникиде хотирасига ёдгорлик ўрнатилди.

Революция иштирокичилари, граждн ва Улуғ Ватан уруши қаҳрамон-лари, социализм қурилишида актив иштирок этган аюбий кишилар хоти-расини янада абадийлаштириш қар бир комсомол ташкилотининг, ёшлар-нинг муқаддас бурчидир. Қардош қаҳрамонлар набрларини гулларга бур-каб, ёдгорликлар, обелис, эсдалик ташаклари, музей ҳамда жанговар ва шон-шухрат уйлари ташкил этиш, уларни тартибга келтиришга эъти-борни қучайтириш керак.

Ешларимиз оталаримизнинг шонли традицияларининг муносиб давомчи-лари бўлиб қолишга, она-Ватан шухратиға шухрат қўишга интилоқ-далар. Бу борада Тошкент область комсомол ташкилотлари катта тадбир-ларни амалга оширмоқда.

В. ГОРИОН,
Область комсомол комитети оммавий муҳофа бўлимининг мудири.




РАКЕТАНИНГ куч-қудратини таърифлаб ўтиришнинг ҳолати бўлмаса керак. Ҳар қан-дай оби-ҳаво шароитида, истаган масофага учиб борадиган ва нишонини шикастлай олади-ган ракеталар хили кўп бизда. «Душман» ҳаво чегарамизни бостириб киринди деган хабар эшитилиши биланоқ зум ўтмай ракета осмонга кўтарилди.

К. Куличенко фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

КОМАНДИРДАН бўйруқ келди. Зудлик билан жанговар позицияга чиқилсин. Ўт очиб ва «душман»га зарба бериш учун ҳамма қоралар кўрилсин. Жангчилар бўйруқ олишган-да кейин бир неча минут ўтмасданок позицияни эгалладилар. Батарейаларни жанговар ҳолатга келтирдилар. Ҳамма нарсга тахт. Командир бўйруғи бекам-кўст бажарилиди. Эинди бўлима жангчилар навабдаги топширқини қутишпти. Суратда: капитан В. Суена коман-дир бўлган батарея аъзолари жанговар позицияда.

Н. Назаров фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).



ҚАҲРАМОНЛАР ЙЎЛИДАН

КОМСНИНГ ҳурмат тахтасида Комсомол аъзоси сержант Ман-суровнинг расми турибди. Раси тахтда: «Аълочи артиллерия рас-четининг командири» деб ёзиб қў-йилган Сержант Мансуров Совет Иттифқи Қаҳрамони Алехей Го-лубов номидаги бўлимада томи-лаб қилади. Қаҳрамон расчетидаги солдатлар Улуғ Ватан уруши йил-ларида ўзларининг қисқат ўт очиб маҳоратлари билан шухрат қозон-ган эдилар.

Партия ва комсомол ташкилот-ларининг ташаббуси билан бўли-мадаги расчёт ва бўликлар ўрта-сида қаҳрамон номини олиш учун мусобақа ташкил этилган. Мусоба-қада, албатта Ҳарбий ишни пухта ағаллаган солдатлар қолиб қина-дилар. Сержант Мансуров кўл ости-даги солдатлар ана шу фахрли номга сазовор бўлганлардан. Бу-га улар жанговар билимини қўнт билан ўрганиш, Ҳарбий иттило-мга риоя қилиш туфайли эришди-лар.


Расчёт аъзолари бир-бирлари-нинг вазифаларини бемалол ба-жара оладилар. Мансуров коман-дирлик қилётган расчёт жангчи-лари жанговар топширқини адо этишда қувончли натижаларини қўлга киритмоқдалар. Бунда қў-мандирнинг ҳисоси катта: У ўз таърибисини ва билимини расчёт солдатларига қўнт билан ўргати-моқда. Масалан, позицияларни ниқоблаш масаласини оёяйла. Маълумки, жанг майдонда яшрин ҳолда сизини душманга қарши қўнқисдан зарба беришга ёрдам беради. Душманин тафласта қолдириш — уни йўқ қилиш де-мандир.

Расчёт аъзолари бир-бирлари-нинг вазифаларини бемалол ба-жара оладилар. Мансуров коман-дирлик қилётган расчёт жангчи-лари жанговар топширқини адо этишда қувончли натижаларини қўлга киритмоқдалар. Бунда қў-мандирнинг ҳисоси катта: У ўз таърибисини ва билимини расчёт солдатларига қўнт билан ўргати-моқда. Масалан, позицияларни ниқоблаш масаласини оёяйла. Маълумки, жанг майдонда яшрин ҳолда сизини душманга қарши қўнқисдан зарба беришга ёрдам беради. Душманин тафласта қолдириш — уни йўқ қилиш де-мандир.

Ҳақиқатан ҳам жуда кўп меҳнат сарф қилинган эди. Чунки, пози-цияларни нечаси ўзгартаришган-ди. Ёмгирдан сўнг ер балчиқ бў-либ кетган Тўпни ўзлари тортиш-ган эди. Шунга қарамасдан, бу-гал ҳам расчёт жангчилари жан-говар топширқини аъло даража-да бажариб, илгориан шухратини янада мустаҳкамладилар.

Сержант Мансуровнинг она-Ва-тинга сизилган хизмат қилаёт-ганини кўриб бекитиб: у ота-бо-ларининг жанговар шухрати-нинг муносиб воқисси. Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари. Ўзларини давомчиси дейсан, киши.

Ф. ЛОБЗИН,
Подполковник.



Ш. Ёлбалаева, маданият-олиши инплар раҳбари Н. Яқоби, туфқонхона М. Федман, номини хон Х. Эргашев ва бошқаларини номини дам олувчилар нэзирком билан тилга олишди.

Хайт қомуси — Конституцияда совет кишилари меҳнат қилди, дам олиш, билим олиш қонсаятлинди ва инга ароққ бўлиб қолганда давлатдан мадди нафақа олиш ҳуқуқлари эагидлар дейилган. Ана шу эагидлар Конституциядан дам олиб меҳнат қилаётган. Ҳурият ва марқад дам олаётган ҳам кеңалик тағшитини сураётган кишилари маана шу ерда ҳам қилаб учратиш мумкин.

Масалан, Раъно Мусаева олаётлин. У Тошкент қўғирғи фафрасининг ичмисин, Гагарин номи 2-кечиси ишчи-ёшлар маданиятининг 11-сифиди ўқийди. Фафранбада иш нормасини 100 ва 120 процент адо эаётган бу ерғи ишчи бугун «Қириб»да дам олаётли. «Мен... дейди Раъно, мағалбаин битиртақ, бирорта туфқонига кириб ўқимоктаман». У унинг-бунга қонусини ҳуқуқи бош У. албатта, ўз отусига етишад. «Қириб» дам олиш уинда публиканизмининг турли областлари ва мамлакатимизнинг бошқаралариндан келган меҳнатқилар, интилар ўз отусаларини ўқазтиратли. Чунинчи, Қиямат да област эагитини бошқарсининг бошчилиги Угулди Қозалпов, 1-Оҳангарин, совхозининг илчиси Юнус Абдулқадир, мипрал хомашлар илчий-тақдирини интиштининг ходими Ларли Григоренколар манкур дам олишда марқод қордиқ чинарлар гаилаларидан беҳад мамнуналар.

Н. ХИМАТУЛЛАЕВ

7. А. 1802.